



«КИЗИЛ УЗБЕКИСТОН»

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО
КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО
СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

42-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 156 (11.602)

6 июль, чоршанба, 1960 йил.

Баҳоси 20 тийин.

БИНОКОРЛАРИМИЗ БУРЧИ

Республикамизнинг саноат ва қурилиш ходимлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумини мунособ қутиб олиш учун бошланган умумхалқ соҳалик мусобақасига қўшилиб, зиммаларидаги мажбуриятларни шараф билан адо этмоқдалар.

Республика саноат ходимлари ва бинокорлари ўртоқ Н. С. Хрущев номига ёзилган хатда берган ваъдаларига вафо қилдилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик ва муқаддатидан олдин адо этилди. Қурилиш ташкилотлари эса шу йилнинг май ойида 1 миллиард 181 миллион сўмлик, ёки ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 465 миллион сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Саноат, сув хўжалиги, уй-жой ва маданий-маиший объектларни қуриш ва ишга тушириш муқаддатлари бир мунча қисқарди. Бинокорларимизнинг активли тобора ошмоқда, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари қатори кундан-кун кенгаймоқда.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган III пленуми саноат корхоналаримиз ва қурилишларимиз эришган ана шу дастлабки муваффақиятларини қайд қилиш билан бирга, ҳақ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлган капитал қурилишда ҳали ҳам жиддий камчиликлар борлигини кўрсатди ҳамда партия, совет, хўжалик ва касба-саноат ташкилотлари эътиборини ана шу камчиликларни тезда тугатишга қаратди.

Пленум капитал қурилишдаги қилоқнинг асосий сабабларини очиб ташлади. Айрим қурилиш ташкилотлари, партия ва совет органлари Узбекистон КП Марказий Комитети XV пленуми қарорларини қониқарсиз бажармоқдалар, қурилиш раҳбарлиқ қилишда жиддий илҳомсиз ва хатоларга йўл қўйдилар. Капитал қурилиш суръатини тезлаштиришда мавжуд резервлардан, қурилиш индустриyasi қувватидан етарли фойдаланмаётдилар. Қурилиш министрлигига қаралиш 21 умумий қурилиш ҳамда итхослаштирилган трестдан 10 таси пудрат ишлари планини бажармай келди. Токентдаги 153-трест, Қаршидаги 164 ва Нукусдаги 166-трестлар айниқса ёмон ишломда.

Саноат ишлаб чиқаришида ва капитал қурилишдаги ишларнинг ҳаммасини индустриалаш, фан ва техника янгиликларини, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаларини, илгор коллективларнинг ақолини ш мететодларни кенг пропаганда қилишга кам эътибор берилмоқда. Республика қурилиш ташкилотлари моддий ресурсларни ақин орада фойдаланишга топшириладиган муҳим объектларга юбориш ўрнига, кўпдан-кўп қурилишларга соғиб юбормоқдалар. Натижда битмай ўтган объектлар кўпайиб кетмоқда.

Марказий Комитет Пленуми маҳаллий Советларнинг капитал қурилиш қониқарсиз раҳбарлиқ қилаётганлигини алоҳида кўрсатди. Капитал қурилиш маҳаллий Советларда 78 процент бажарилиди, ҳолос. Област партия комитетлари ва йжроа комитетлари мактаб ва мактаб-интернатлар қурилиши гоёт катта аҳамиятга эга эканлигини тушунаётдилар. Шунинг учун ҳам умумий татлим мактаблари қурилиш плани 86 процент, мактаб-интернатлар қурилиши топшириги 82 процент бажарилиди.

Капитал қурилиш бутун экономикани юксалтиришнинг асосидир. Бироқ республикада қурилишларнинг ҳозирги аҳволи жиддий ташвиш тугдирмоқда. Қурилишга ажратилган маблағлардан 170 мил-

„ҚОЗОҒИСТОН МАГНИТКАСИ“НИНГ БИРИНЧИ ДОМНАСИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Каз-металлургия» трестининг Қарағанда металлургия заводининг Қозоғистон ССР Қурилиш министрлиги ва РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли монтаж ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг меҳнат соҳасида эришилган ақолини қайта баҳолаб — биринчи домна печи 2 июлда қурилиб битказилганлиги ва ишга туширилганлиги — Қарағанда металлургия заводи ишга тушганлиги муносабати билан табриклидилар.

Қозоғистоннинг қурувчи ва монтажчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрущевга ёзган мактубларида заводни қуриш, заводдаги металл конструкцияларини ва техника ускуналарини монтаж қилиш, темир йўллари, автомобиль йўллари, шаҳарда уй-йўللар ва маданий-маиший корхоналар қуриш соҳасида гоёт катта ишлар қилинганлиги ҳақида хабар бердилар.

Қурувчи, монтажчи ва металлургия коллективлари бу йил яна бир домна печини, коксовани комплексини ишга тушириш, қурилиш-монтаж ишлари планини муқаддатидан олдин бажариш вазифини ўз олдларига турганлигини баъдилар. Улар етти йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сарф қилишга ваъда бердилар. (ТАСС).

ДўСТЛИК ҚАЛБИНИ ИСИТАДИ

Австрия - совет жамиятининг йиғилишида Н. С. ХРУЩЕВ нутқи

Азиз дўстлар!

Австрия-Совет жамияти ташкил этган бу йиғилишда нутқ сўзлаш менга катта ҳузур бағишлайди. Бундан бир неча hafta муқаддам ўзининг ўн беш йиллик юбилейини нишонлаган сизларнинг жамиятингиз совет ва австрия халқлари ўртасидаги дўстлигини мустаҳкамлаш учун кўпгина яхши ва олижаноб ишлар қилди. Ҳақда, қуёш ҳавони, дўстлик эса қалбни иситади деган гап бор. Халқларнинг қалби бошқа халқларга дўстлик билан иситган ҳар қандай мамлакат тагин ҳам бой ва кўркам мамлакат бўлаверди. (Гулдурас қарсанлар).

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг томирлари узоқ ўтмишга бориб тақалган ва яхши традицияларга эга. Бизнинг халқимиз австрия халқининг бошига оғир кулфатлар келганда унга неча мартада берадм қўлини чўзган. (Қарсанлар). Ўтган асрнинг бошидаги сервоқеа замоналари эса олайлик, ўша вақтларда рус ва австрия солдатлари австрия халқини қўл қилиб олишга интиланган Наполеоннинг боқинчи армияларига қарши муваффақиятли жанглар қилган эдилар. Ушунда бизнинг минглаб солдатларимиз қаҳрамонлар ҳалок бўлган эдилар. (Қарсанлар).

1918 йил январининг унутулмас кунларида Австрия пролетариати ёш Совет Россияси олдида герман милитаристлари қўйган қабих талабларга қарши ўз норозилигини билдириш учун ялпи забастовка ўтказди.

Орадан Ингирма йил ўтган, австрия халқи учун фожияли бўлган 1938 йилда, гитлерчилар сизларнинг республикангизнинг мустақиллигини ўз атиқлари билан эзиб турганларида барча улут давлатлар орасида фақат Совет Иттифоқини аншлашга қарши чиқди ва Совет ҳукумати ашлюсион ҳеч қачон тан олган йўқ. (Давомли қарсанлар).


Русларнинг «Дўст-дўстини бошига кулфат тушганида танийди» деган мақоли бор. Совет Иттифоқи эса австрия халқи учун ҳаммаши содиқ ва сэмий дўст бўлиб келди, бошқалар ҳисобига ўзи учун ҳеч қандай манфаат қилмади. (Қарсанлар).

Иккинчи жаҳон урушининг воқеалари ҳали ҳам ҳаммамизнинг эсимиздан чиққани йўқ. Ўша маҳалда совет қўшинлари Австрияни фашистлар асоратидан озод қилиш учун олиб борилган курашда оғир қурбонлар бердилар. Вена шаҳрининг олдида ва Австриянинг бошқа шаҳарларида жонини фидо қилган ўз ўғиллари ва арларининг шу вақтгача гамини тортаётган минглаб оналар ва бевалар Совет Иттифоқидан оналар ва бевалар австриялик австрияликларнинг эркинлиги, мустақиллиги ва бахти учун олиб борилган жангларда қурбон бўдилар.

Мана шуларнинг ҳаммасини халқларимизнинг онгидан чиқариб ташлаш мумкин эмас! Австрияда ва унинг chegarаларидан ташқарида совет халқи берган қурбонлари, Австрияни озод қилиш учун совет халқи тўққан қонларини унутиб юборишга австрияликларнинг мажбур қилмоқчи бўлган кишилар бор бўлганлиги учун ҳам буни халқларимизнинг онгидан чиқариб ташлаш мумкин эмас ва мен буни очик айтиб ўтмоқчиман.

Ишонч билдириб шунга айтишга ижозат беринглarki, соф виждонли ҳар бир австриялик халқлари миз ўртасидаги яхши муносабатларни кирдиқларини ниҳоят даражада ғазабланиб рад қилмоқда. (Давомли қарсанлар). Бу муносабатлар табиий ва ҳаётий муносабатлардир, чунки Совет Армияси Австрияга ҳалокот армия бўлиб келди, чунки Совет Армияси австрияликларга уруш келтирган бехтсанликларини тарафқўй қилишга ёрдам берди. Совет Иттифоқи Австрияга нисбатан ҳаммаши яхши ҳислар билан шундай қилиб келди, бу эса катта ва кичик ишларда—1945 йилда оч қолган веналикларга берилган ёрдамларда ҳамда Австрия давлатининг бутунлигини ва мустақиллигини тиклаш учун қилинган ҳаракатларда ўз ифодасини топди. (Қарсанлар).

Бизнинг ташаббусимиз билан 1955 йилнинг апрелида Москвада Совет ҳукумати билан федерал канцлер Юлиус Рааб бошчилигида-



Мана, дўстона қўл қисил! Қўлни маҳкам, дўстона қисил! — ҳам шод хуррамликнинг, меҳмондўстликнинг, яхши кўшнчиликнинг чинакам символларидир. Австрия халқи Совет мамлакатидан борган азиз меҳмон Н. С. ХРУЩЕВНИ ана шундай дўстона қутиб олмоқда.

ги Австрия ҳукумат делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. (Қарсанлар). Бу музокарада нутқимиз Австрия билан Давлат шартномасини имзолаш мумкин бўлиб қолди. Бу тадбирнинг мамлакатингиз таъдирини учун бўлган аҳамиятли ниҳоят даражада катта. Федерал канцлер 1958 йилда Москвада бўлган вақтда, унинг Австрия билан Давлат шартномаси асосан Совет Иттифоқи тўғрисида тундиди, деб айтган гапларини эшитиб хурсанд бўлдик. (Қарсанлар).

Австрия Республикаси бетаарафли ва Совет Иттифоқи билан ҳамда бошқа мамлакатлар билан дўстона муносабатлар йўлига кириб, бу оқиллона сиёсатнинг сермахсул мевалари бўлишига эришди. Австрия ҳарбий блокларда қатнашаётгани йўқ. Австрия шаҳарларида ва қишлоқларида тинчлик ҳукмрон. Чет эл базаларидан кўтарилаётган ҳарбий самолётларнинг даҳшат соловчи гулвуллашлари бу тинчликни бузаётгани йўқ. Чет эл солдатлари далавларингизни оёқости қилаётгани йўқ, уларнингизга кириб тунаш учун айликларингизни тақдирлаётгани йўқ.

Бошқача йўл — бекиқ ҳарбий гуруҳларга кириш йўли, Америка ҳарбийларининг ва Бонн реваншистларининг милитаристик интиқилларига қўшилиш йўли Австрия учун қандай хавф-хатарлар келтиришини тасаввур қилишга унчалик кўп фахр керак эмас. Уларнингиз йўлда қаранглар! — қароқчи «У-2» самолётлари жосуслик қилиш учун учирлядиган ҳарбий базага Австрия ҳам айланган қолгани мумкин эди-ку. Америкаликлар ўз базалари бўлган жойларининг ҳаммасида мана шундай самолётларни сақлаб турибдилар ва уларнинг қўшинлари Австрияда қолганида бундай самолётларни Австрияда ҳам сақлаб турган бўлар эдилар, албатта.

Бизнинг шавқатли ракетачиларимиз уриб туширган Америка жоусе самолётининг шармандаи тақдирини Австрия агрессив гуруҳининг эзбоси бўлиб қолган тақдирда унинг бошида қандай хавф-хатар пайдо бўлиши мумкинлигини яна бир марта эслашга турибди. Айниқса Америка империалистларининг кичик мамлакатларга нисбатан жуда ҳам шафқатсизлиги ҳаммага маълум. Сизлар бунга ўз тажрибанингизга кўриб билангиз! Бундан рожа 2 йил муқаддам Америка самолётлари Гурбий Германиядан Яқин Шарққа ўтиб беришганида Австриянинг осмон суверени-

Совет Иттифоқида геофизик ракеталар ёрдами билан атмосферанин юқори қатламларини ва носмик фазони тадқиқ қилиш дастом этмоқда.

Тадқиқотлар программасига мувофиқ, 1960 йил июнь ойида наобатдаги бир босқичли баллистик ракета учирди. Куч манбалари ва учирган жониворлар (икки ит ва бир қўзи) билан қўшиб ҳисоблаганда, умумий вази 2, 100 килограмм бўлган илмий-тадқиқот аппарат-

лари атмосферанин юқори қатламларига кўтарилиди.

Атмосферанин юқори қатламларида ионлаштирилган булутлар ҳосил қилмоқ ва уларни тадқиқ этиш, ракетанин юзасидаги электр соҳасининг кучлианини ўлчамоқ, иносферанин струнтурасини ўрганоқ, кенг террито-

ЯНА БИР БАЛЛИСТИК РАКЕТА

ТАСС
АХБОРОТИ

риядоги булутлар системасини фото билан суратга олмақ, Ернинг инфранизил нурини ва Ер атмосферасини, Қўбшнинг ультрарағунашша нурини тадқиқ қилмоқ учун керакли асбоблар, шунингден атмосферанин таркибини ҳамда катта баландликлардаги атмосферанин метеорологик параметрларини тадқиқ қиломоқ учун керакли асбоблар ракетага ўрнатилган эди.

Ракетани учуриш муваффақиятли ўтди. Ракета белгиланган 208 километр баландликка кўтарилди.

Ракетага ўрнатилган илмий аппаратлар нормал ишлаб турди. Тадқиқотлар программаси тўла равишда бажарилиди. Катта баландликларда ҳосил қилинаётган ионлаштирилган булутларини, атмосферанин ион таркибини ва унинг электрик хусусиятларини, Ер ва Қўбшнинг нуриларни кузатишга доир қимматли илмий маълумотлар, шунингден жониворлар ўз оғирлигини йўқотган шароитда уларнинг томир уриши тўғрисида янги материаллар кўлга киритилди.

Бу жониворлар Ерга тушганидан кейин ўларнинг яхши ҳис қилмоқдалар. «Отважная» номи ит бу билан носмик фазога бешинчи марта саҳбат қилди.

Учловлар ва кузатишларнинг материаллари ҳозирги вақтда анализ қилинмоқда.

«Узгласельстрой»нинг пудратчи қурилиш ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми мунособ қутиб олиш учун мусобақалашиб, биринчи ярим йиллик ишлаб чиқариш планини ошириб бажардилар. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бажарилган ишларининг ҳажми 1,8 баравар ўсди.

Қишлоқ бинокорлари кўчиб келган кишилар учун палдан ташқари 78 турар уйини фойдаланишга топширдилар, учта мактабин ва «Ҳазорбоғ-1» ГЭСини ишга туширдилар.

Июль ойида 200 турар уй, Янгиёйда интернет-мактаб ва Тошкент ҳамда Фарғона областларида яна икки мактаб қурилишини тугаллаш мажбурияти олинди. (ЎЗАТА).

ПЛЕНУМГА
ТУҲФАЛАР

ҚИШЛОҚ БИНОКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ СОВҒАСИ

«Узгласельстрой»нинг пудратчи қурилиш ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми мунособ қутиб олиш учун мусобақалашиб, биринчи ярим йиллик ишлаб чиқариш планини ошириб бажардилар. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бажарилган ишларининг ҳажми 1,8 баравар ўсди.

Қишлоқ бинокорлари кўчиб келган кишилар учун палдан ташқари 78 турар уйини фойдаланишга топширдилар, учта мактабин ва «Ҳазорбоғ-1» ГЭСини ишга туширдилар.

Июль ойида 200 турар уй, Янгиёйда интернет-мактаб ва Тошкент ҳамда Фарғона областларида яна икки мактаб қурилишини тугаллаш мажбурияти олинди. (ЎЗАТА).

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН БИР ЙИЛДА

Сирдарё пармалаш экспедициясининг илчи ва инженерлари янгида-янги ютуқлари кўлга киритмоқдалар. Бу илгор коллектив ярим йиллик топшириқни муқаддатдан 1,5 ой илгари бажарган эди. Улар шу кунлари Янгилик планини КПСС Марказий Комитети июль Пленуми очилиш кунига бахариш ва йил охиригача қўшимча 32 та сўвганини қазиниш учун курашмоқдалар.

Экспедициянинг С. Надеев ва Т. Абдурахмонов бошлиқ бригада аъзолари йил охиригача 1961 йил планини ҳам бажариш мажбуриятини олдилар.

ҚЎШИМЧА ТОЛА ВА МОМИҚ

Самарқанддаги 1-пахта тозалаш заводининг коллективини ярим йиллик топшириқни 26 июнда бажариб, палдан ташқари 1 миллион 130 миң сўмлик маҳсулот таъбирлади. Коллектив маҳсулот таннархини 2,3 процент камайтиришга ва меҳнат унумдорлигини 18,4 процент оширишга эришди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш учун бошланган мусобақада М. Толинов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари гоёлиб чиқдилар. Улар смена топшириқларини домна 1,5-2 ҳисса адо этиб, 229 тонна тола ва момикни тешашга ва меҳнат унумдорлигини ўтган йилгига нисбатан 48 процент оширишга эришдилар.

ЗАВОДА 180 ДАН ОРИҚ ИШИ ҲОЗИР НОЯБР ОЙИ ҚИСОБИГА МАҲСУЛОТ ТОПШИРМОҚДА.

ҒАЙРАТЛИ РЕМОНТЧИЛАР

Бухородаги ремонт заводининг меҳнатсевар коллективини 6 ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини май ойидаёқ бажарган эдилар.

Қорхона кўча Қизил байроғини ўз қўлларидан сақлаб келаятган ўртоқ Қаримов бошлиқ реставрация цехининг ишчилари суръатини тобора тейлаб, август ойи ҳисобига ишламоқдалар. Ҳасанов, Жукин, Эмирсаевлар каби илгорлар смена нормаларини 140 — 145 процентгача етказиб бажаратгилар.

ЕТТИ ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Қорақалпоғистон АССР Аму-дарё районидан Мағиёт пахта тозалаш ёқ заводининг коллективини КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Бу илгор коллектив 24 июндаёқ етти йиллик ишлаб чиқариш планини бажариб, қўшимча 500 тонна тола ва 50 тонна ёғ топширди.

Бригадаларо солиштириш мусобақасида смена топшириқларини доимо 130—140 процент қилиб адо этган О. Худобер бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари олдинда бормоқдалар.

(Давомли иккинчи бетда)

ЕШЛАР ИЖОДИДАН

ҲАЁТ КЎШИҒИ

ҲИКОЯ

Марказий хирургия клиникасининг бош врачиси Мирсиддиқ Жалилов бир ҳафтадан бери Наманганда дам олади. Шу ерда ҳаммаси-би, уруш йиллари бир қисмида хизмат қилган дўсти Абдуқодир отпускангиз бу тал бизнинг шаҳарда ўтказди. Наманган ҳам кутурт жой, деб қақиртириб келган эди.

Абдуқодир уни қайтарганга олиб бермади, нималарни кўрсатмади! Кўни неча беш-олти киши бўлиб истироҳат боғидаги оролчада яроқат қилинди. Ҳини-қулғи, асаби билан ўтириш ярим кечага чам қилинди. Қимдири ашула қилди. Ширин овози бор экан. Мирсиддиқ берилиб эшитди.

Яхши айтар экан, — деди қайтишарканга. — Ашуласини эртага ҳам эпитсан!

Абдуқодир жавоб бермади.

— Ха, индамайсан? Сенга ёқмадим?

— Йўқ, ёқди. Яхши айтди. Лекин ашула эшитмоқчи бўлсанг, эртага сени Янгибозорга олиб бораман.

— Иштиёр сенда, — деди Мирсиддиқ елкасини қисиб. — Қайқа сургансанг, кетавераман.

Эртасига икки ошина Янгибозор қишлоғига қараб йўл олишди. Мирсиддиқ бу қишлоқ қаерда, узоқми-яқинми суриштирди. Ҳўрқесар дўстининг одатини яхши биларди. Сўрагани билан бари-бир айтмайди, юраверсанг-чи, деди қўйди. Бунинг устига сўраб ҳам нима қилди? Отпускангиз, қаёққа борса, қанча юрса, бари-бир эмасми?

Оқшом пайти Янгибозорга қариб беришди. Қишлоқнинг қоқ ўртасида кесиб ўтган асфальт кўча гаўжум. Даладан қовун, тарвуз ортиб келаятган машиналар гиз-гиз ўтиб турган. Самарқанд қайқалири шовиллаб кетишарди.

Абдуқодир қатта кўк дарвоза одида тўхтаганда, бир тўп ёшларанг қақ-қақ уриб ўтиб кетди.

— Келдин, ашуланг сарасини мана бу ерда эпитсанг, — деди у ошансига. — Ҳатамжон, ҳо Ҳатамжон!

Улар ичкарига киришди. Кенг ҳовли ўртасидаги баланд шайтон енида оқ ахтак кийган мўсафид гул қириб юрарди.

— Ҳорманг Дўсимбой ота! — деди Абдуқодир ўша томонга қараб. — Саломат бормисан?

— Не-не, келинг Абдуқодир. Ҳўлим, — мўсафид гуллари шайтонга қўйиб, меҳмонлар билан қўриша кетди. — Оббо, Ҳўлим-е, жуда соғинтириб қўйдингиз-ку? Яна марҳамат.

— Хизматчилик, кўл тегмайдн. — деди Абдуқодир қўлиб. — Отпусканга чиқинди-да, зибрат қилдик деб аввало ҳузурингизга келидик.

— Ҳа баракалла, кам бўлманг, Ҳўлим.

— Ҳатамжон қанилар?

— Клубда. Қўшини райондан мусобақаларда таслан экан. Расул ға ҳолига қўймай олиб қичиб кетди. Коңерт беришар эмиш. Вола фаривда тиним йўқ.

Дўсимбой ота бошидан янги марғилов дўпинисини олиб, тиззасига уриб чангини қоққан бўлиди, кўрағига тўшиб турган мошкичири соқолини тутамлаб, оғир Ҳўрсинди.

— Қаёққа борса ҳам майли. Иш қилиб оғивни юрса бўлган.

— Кейфи тўзумки? — сўради Абдуқодир.

— Шукур. Илгариги ҳафтарчилиги йўқ деса бўлади. Аммо ёлғиз қолса эзилди. Кечалари билан ухламай чиқди. Қўлига тамбурини олиб ашула қилгани-қилган. Ошаси шўрлик чўп бўлиб кетди. Ҳўрқола омон бўлсин. Ёлғизлатишмайди. Клубга мудир қилиб қўйишди. Кун бўйи ўша ёқди.

Дўсимбой ота ўриндан турди Абдуқодирнинг эътирозига қарам-ял, дастурхон ўза бошлади. Нимагадир ичкари йўза кириб кетганида ҳеч нарсасига тўшунмай ўтирган Мирсиддиқ сўради:

— Ҳатамжонга нима қилган?

Абдуқодир «тс» деб бармоғини лабига қўйди.

— Кейни айтб бераман. Узуни тарих...

— Зеркиб қолмадиларингми? Кампир тушмагуб қиём қилувди. Чумалидан бериктиб қўйган экан, эўрта топдим. Қани, нонга қараңлар.

Дўсимбой ота меҳмонлар рўпасида чордона қуриб ўтирди. Шу пайт узокдан чирманданинг овози эшитилди.

— Бошланганга ўхшайди, — деди Дўсимбой ота Мирсиддиққа чой узатар экан. — Олинг, Ҳўлим. Қиймдан солиңг.

— Биз ҳам клубга чиқсак? — деди Абдуқодир бир пилеладан қўй ичтилган. — Анчадан бери Ҳатамжонни кўрганам йўқ. Бу ошанма ҳо унинг ашуласини эшитмоқчи.

— Шундайми? — Дўсимбой ота меҳмонларга бир-бир қараб чиқди. — Майли бўлмаса. Холангиз ҳам ўша ёқди Бирга қайтинглар, қўболоа оқ қилиб турман.

Меҳмонлар қўзғолишди. Ота уларни эшиккача кузатиб чиқди:

ҳаёта руҳлантириш. Профессор шу маслаҳатини берди.

Ўшанда операция столдан қайтарилган Ҳатамжон шу... у кечаю-кундуз шинга тикилиб бир неча ой ётди.

Мирсиддиқ бир кунни уни клиника боғига олиб чиқишни буюрди. Ўзи ҳам чиқди. У ёқ-бу ёқдан гапга солди, овутомқчи бўлди, аммо бемор оғиз очмади. Унинг учун энди ҳамма нараса тугагандек, бутун орау-умидлари пуғча чиққандек, ҳаёт фақат қийноқ азобдан иборатдек туйнларди... Гоҳо Мирсиддиқ бемор ётган палатага кириб у билан соатлаб гап-лашар, унга қизил-қизил латифа-лар айтиб берар, гап орасида, унинг илгари шеър ёзишни маълум қилган-қилмаганини, қандай ашула-ларини яхши кўришини сўраб палатага репродуктор ўрнатариб қўйди. Яхши коңерт берилаётганда ўзи келиб бўраб кетарди. Аввал бу ҳам беморга таъсир қилмади, бироқ кейин-кейин унинг ашулаларини диққат билан эшитган бўлиб қолганини кўрди. Яна гапга солди. Аммо жавоб олмади. Ўрп неча кун ўтгач, коридордан ўтиб кетаётган кимнингдир хирғоғи қилаётганини эшитиб қолди. Қўлоқ солди. Овоз Ҳатамжоннинг палатасидан келар эди. Мирсиддиқ эшикни секин очиб, оёғи учига кирди. Ҳатамжон ярим овозда куйларди. Деворга суяниб эшита бошлади.

Кўйла созим, кўйла, тинма. Энди сенсан шодлигим. Боғлару, қирлар, адирлар Сенга жўрдири, шодлигим...

— Э, нечирасиз, доктор! — Ҳатамжон Мирсиддиқнинг кўриб қолди, доканд юзига қон югурди. — Ҳаёл билан бўлиб кетиб сизни кўрмаман.

— Ҳа, ким йўқ. — Мирсиддиқ унинг ёнига ўтирди. — Яхши кўниш экан, жуда яхши. Номини ма?

Ҳатамжон жиддийлашди, юпқа лаблари енгил титради.

— Ҳаёт кўнишги. — Ҳаёт кўнишги? Яхши... — Сизга ёққими? — Жуда! «Кўйла созим, кўйла, тинма». Энди сенсан шодлигим...» Яхши кўниш, Ким ёзган? — Ҳатамжон жиймайдн: — Ҳўлим.

— Жуда яхши.

— Мана ҳозир Мирсиддиқ шу кўнишги иккинчи марта эшитиб ўтирибди. Тагин ўша нимжон Ингонинг ўзи уни баланд ширин, антроп овоз билан айтган. Мирсиддиқ унга хийла тикилиб қолди. Пўй, унинг олдига бунадан беш-олти йил илгарти яримга тана эмас, катта налб, катта ҳаёт эгаси шу ҳаёт кўнишгига куйларди. Бу кўнишда на нолиш, на азоб бор, унда яшаш шўғиш, пок муҳаббат, битмас-туганмас оруз ва қудрат бор эди!

Коңерт тугади. Абдуқодир дўстини саҳнанинг ораңсига бошлади. Ичкаридан икки йигит аравачада Ҳатамжонни олиб чиқди. Ҳатамжон соҳида битта ҳам қораси қолмаган жипкакина кампининг қўлидан унлаб олган:

— Ойи, қаранг, Абдуқодир аяам! — деди.

— Вой бўйидан ўргилай, қани? — кампир шундай деб галини тутатгани ҳам йўқ эдики, аравачага енганиш ўли билан қучоқлашиб кўришаркан Абдуқодирни кўрди. — Сизнинг ҳам келидиган кўнишгига бор экан-а, айланай, омонимисан?

— Мирсиддиқ ака!... Доктор?! Мирсиддиқ ичиндан тўқниланган келаятган ҳажжон билан Ҳатамжоннинг қўлини сиқди:

— Жуда яхши... Бениҳоя хурсандман! — деди титроқ овоз билан.

— Раҳмат. Абдуқодир ака, мени боққан врач шу киши бўлади-лар.

— Кўриб турирман, — деди Абдуқодир қўлиб. — Бошлаб келиб яхши қилибманми?

— Яхши бўлганда қандог. Ҳўзимда йўқ хурсандман. Қани, уйга. Ойи, бошланг меҳмонларни.

Уйга келишди. Тонггача шайтонда ҳаёт кўнишги янгради...

ЎЛМАС УМАРБЕКОВ.



Кўш, ҳаво, тиниқ сув! Шу саратон куйлар Тошкент Комсомол кўлида қайида сузиш нақадар ҳузурбахш. СУРАТДА: меҳнат-нашлар кўл сайради. А. Палехов фотоси.

СТЕНОГРАФИЯНИ ЎҚИТИШ РЕДАКЦИЯГА ХАТ ТИКЛАНИШИ КЕРАК

Стенография — тез ёзув демакдир. Стенография ёзуви оддий ёзувнинг қадимги босқичидир. Ўқитиш тўғрисида сўраб (перография) ёзув босқичларини ўзи ичига олади. Унинг майдонга келиши ва тараққиёси ҳамда тақомиллашуви амалдаги ёзувнинг тарихи билан узвий боғланибди.

У ёзувнинг илмий грамматика қондаларини, асосларини ўзида акс эттирган, унга максимал яқинлашган ёзув, ҳозирги замон ёзувнинг қадимий йўлдоши ҳисобланади. Тил ва ёзув жамият тараққиётининг босқичларида мактаб предмети бўлиб келган бўлса, профессионал ёзув сифатида танилган стенография ҳам жамиятнинг ҳозирги босқичида совет мактабнинг предмети бўлиб қолиши керак.

1937—38 йилларда республикамизнинг кўпгина мактабларида стенография мажбурий дars сифатида ўқитилар эди. Биргина Тошкент шаҳрида 22 ўзбек ва 20 рус мактабида, Андиқон, Қўқон, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида биттадан мактабнинг VIII—X синфларида стенография машғулотлари олиб борилади. Шу муносабат билан ўзбек тилида стенография дарсликлари нашр этилган эди. Ҳатто, Ўзбекистон ССР Маориф вазирлигининг «Стенография таълими бўйича махусус сентор ташкил этилди.

Бирок мактабларда стенографияни ўқитиш масаласи сўнги йилларда бутунлай унутилди. Вилоҳодий, стенография В. И. Ленин номидаги Моносов педагогика институтини, Ломоносов номидаги Москва давлат университетини, Қозғистон Давлат университетининг тил ва адабиёт факультетларида, журналистика бўлимидаги таълим кўраётган ўқитиб келинмоқда. Шундай экан, бизда ҳам бу борада кўп йиллик ишларимиз қайта тикланиши зарур.

СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг мактабни турмуш

билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини қайта қуриш ҳаётида қонуларни совет мактабни ҳаётига катта воқеа бўлди. Қонуни умумий таълим мактаблари ўқувчиларига меҳнат тарбиясини бериш, уларни келажак жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашга нег йқмониятлар очиб берди.

Кўп соҳада стенограмма қилувчи ва машинида ёзувчи ихтисосли кишиларга зарурат сезилаётди. Республика стенограмма курси бу эҳтиёжни қондирмайди, албатта. Ўзбек тилида стенография ва машинида ёзувнинг техникасини ағаллаган ёш ихтисосли надрларга бўлган эҳтиёжини, шубҳасиз, ўрта мактабда стенографияни ихтисос фан сифатида ўқитиш йўли билан таъминлаш мумкин. 1938—1946 йиллар Тошкент шаҳар мактаблари базасида бу соҳада ўқитилган иш ишқий натижалар берди.

Ҳозир Тошкент шаҳридаги 105-ўрта мактабнинг IX синфида ўқувчиларга стенограмма ўргатилган. Биринчи ўқув йилидаёқ бу соҳада яхши натижаларга эришилди.

Ўқувчилар ҳозир айрим мураккаб материалларни ҳам мустақил ёза оладиган бўлиб қолдилар. Ўқувчи кизлар иккинчи ўқув йили давомида (X синф охирида) стенография-машинистлик ихтисосини ағалла оладилар. Демак, улар етуқлик аттестати билан бирга, маълум ихтисоси ҳам эга бўлади-лар. Фирқинича, дес п о б л и ва Олий ва ўрта таълим комитети ва Ўзбекистон ССР Маориф вазирлигини педагогика олий ёзув юрталарида ва ўрта мактабларнинг юқори синфларида стенографияни ихтисос фани сифатида ўзбек ва рус тилларида ўқитиш, ундан назарий практик билим бериш масаласини ййлаб кўришлари лозим.

М. МУРОДОВ.

Стенография ва машинида ёзув республика курсининг директори.

ФУТБОЛ «ПАХТАКОР»НИНГ БУГУНГИ РАҚИБИ

Бугун «Пахтакор» стадионида мамлакат биринчилиги учун «А» класс бўйича ўтказилган навбатдаги ўчрашув бўлади. Бу оал майдон эгалари мамлакатнинг энг кекса ва кучли командаси бўлган мамлакат чемпиони Москва шаҳрининг машҳур команди «Динамо» ни қабул қилади.

Команда 1936 йилдан бери футбол бўйича ўтказилган мусобақаларда қатнашиб келмоқда. У тўққиз марта СССР чемпиони деган ном ҳамда икки марта СССР кубогини олашга мўъссар бўлган.

«Динамо» командасининг футболчилари бир неча марта халқаро мусобақаларда қатнашиб, кўпчилик командалар устидан ғалаба қозондилар ва мамлакатимиз спорт шарафини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Аммо бу йилги мавсумда динамочилар анча сурт ўйнаб, ўтказилган ўч ушрашувлар бештасида ғалабага эришиллар, тўрт ўйинни дуранг қилиб, шорт ўйинда ютқаздилар ва 14 очко билан турник жадалда олтинчи ўринда бормоқдалар.

«Динамо» билан «Пахтакор»нинг биринчи ўраҳабои йўли Москва шаҳрида 0:0 ҳисоби билан тугаган эди.

Кеча шу командаларнинг дубларлар состави ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Х. ЮНУСОВ.

ИШЛАМАГАН ТИШЛАМАЙДИ! БОЗОРДА ҲОЗИР...

Тонг отиши билан пойтахт кўчасида ҳаёт қайнади. Ишчи ўз фабрикасига, студент имтиҳон тошларига, хизматчи идорасига ошқиди.

Асад Ибодов-чи? У одагидек бугун ҳам уйдан тўғри Олий бозорига йўл олди. Ишчиқили: олма, ўрик, бодринг, помидор ҳеч қарера симайди. Дехқонлар ўзлари тер тўкиб етилтирган мева-чевавларни шаҳарлик дўстларига мўл-кўл юбормоқдалар. Асад бодринг ортлган автомашина олдига турган қолхозчи ёнига келиб:

— Қаернинг бодринги, дехқон? — деди.

— Андиқоннинг, тошкентлик оғайнилар учун олиб келган эдик.

— Бодринг мўл экан, улгуржисига арвозақ бериангиз...

— Албатта, арванга сотамиз, ишчи-хизматчилар: «Дехқонга раҳмат» деса ба.

Ниҳоят Асад Ибодов байлашиб бир юз ўн килограмм бодринг харид қилди.

Асаднинг улгуржи савдо қилишидан ҳайрон қолган Янгит:

— Биродар, тўй-пўй қилмоқчимизми? — деб сўради.

— Ҳа, кичкина тўйчамиз бор эди...

Асад Ибодов кейинги вақтларда бирон жойда ишламай, техникўрлик билан кун кечириб йўлга ўтиб олди. У эрта билан бозор-бозор изгиб, мева, сабзавотларни арзон сотиб олиб чаканалаб қиммат сотади. У, кейинги кунларда Тошкент аскаватор заводининг қуёв цехининг ишчиси—укаси Юсуф Ибодовни ҳам йўздан уриб, техникўрликка ўргатди.

Уроқда йўқ, бошоқда йўқ, бозорда ҳозир нозир бўлиб турадиган бунақа олиб сотарларнинг табиоини ким тортди қўяди?

С. СОБИРОВ.

Х. ОРИПОВ, Ш. АКБАРОВ.

Редактор И. РАҲИМОВ.

МОТОЦИКЛЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА МУСОБАҚАСИ

ФАРҒОНА, 5 июль. (ЎЗАТ). Бу ерда мотоциклчиларнинг мотоцикллари бир меърада ҳайдаш бўйича республика шахсий-команда биринчилиги учун ўтказилган мусобақалари тугади. Мусобақалар мотоциклларнинг тўрт турли бўйича ўтказилди. Мусобақа қатнашчилари Ўзбекистон ва Тожикистоннинг саккизта шаҳрини кесиб ўтган 1130 километр йўлни босиб ўтдилар.

Г. А. Малқос (Анджон области), спорт мастери Ю. И. Григоревский (Тошкент) ва спорт мастери Г. В. Семенов (Тошкент) гольб чиқдилар. Команда заҳида Фарғона областининг спортчилари биринчи ўринни, Тошкент областининг вакиллари иккинчи ўринни, Самарқанд областининг мотоциклчилари учинчи ўринни олдидлар.

Энг кучли мотоцикллар август ойининг биринчи ярмида Ўзбекистонда ўтказилган Бутунитўғроқ мусобақаларида Ўзбекистоннинг спорт шарафини ҳимоя қилдилар.

ТОШКЕНТ КИНОТЕХНИКУМИ

1960/61 ўқув йилига ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда) диниоустановакалари учунналашга доир кинопехниклар тайярлайди. Ўрта маълумоти кишилар қатнаб ўқийдиган бўлиминг 3-курсига, республика кино тармоқларида ишлаб турган ва 7, 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар сирти бўлиминг 1-курсига қабул қилинади.

Қатнаб ўқийдиган ва сирти бўлимларда дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш мўддати: қатнаб ўқийдиган бўлимада ўрта маълумоти кишилар учун — 2 йил 10 ой, сирти бўлимида — 5 йил.

Қатнаб ўқийдиган бўлиминг 3-курсига кирувчилар 10-синф ҳажмида: рус тили ва адабиётини (ишш), математикадан (ёзма ва оғзаки), сирти бўлиминг 1 курсига кирувчилар 7-синф ҳажмида: рус тилидан (дистант), рус тили ва адабиётини (оғзаки), математикадан (оғзаки) имтиҳон тоширидилар.

Ўзбек гуруҳларига кирувчилар рус тили ва адабиётини ўзбек тили ва адабиётини имтиҳон тоширидилар.

Аризалар директор номига ёзилган ва қўйидаги хужжатлар қўшиб етуқлик аттестатининг сел нусхаси, иш жойидан вазифаси ҳақида справка, турар жойдан справка, 286-форма медицина справаси, характеристика-тавсия, 3x4 сантиметр катталикда 3 та фотопортрет, меҳнат дафтарчасининг нотариус тасдиқланган нусхаси.

Қатнаб ўқийдиган бўлимига аризалар 31 июлгача, сирти бўлимига — 14 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари: қатнаб ўқийдиган бўлимада — 1 августдан 20 августгача, сирти бўлимида — 15 июлдан 30 июлгача ўтказилади. Сипендия умумий тартибда берилади. Бошқа шахарлардан келганлар ётқон билим таъминланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, М. Горький кўчаси, 183-уй.

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА»

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлиминининг телефонлари: партия турмуши — 27604, Пропаганда — 31228, Савоз ва транспорт — 34780, Совет куришиши — 27604, Кишлоқ ҳўжаллиги — 34455, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юрталари — 34524, Маҳаллий ажборот — 34524, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, Секретариат — 33466, 32347, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашрийети босмахоҳаси «Қизил Ўзбекистон» газетасининг метранжажи ОРИП ГИРОХИМОВГА ОТАСИ ИСРОИЛ ГИРОХИМОВНИНГ вафот этганини мусобақати билан чуқур таъзия билдиради.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашрийетининг босмахоҳаси. Нашр. А. № 156. P 10002